БОШ САЛАТ НАВ НАМУНАЛАРИНИНГ БАҲОРГИ МУДДАТДАГИ ХЎЖАЛИК МУҲИМ БЕЛГИЛАРИНИНГ НАМОЁН БЎЛИШИ

Шералиев Ж.Ш.
қ.х.ф.д., Сабзавот,
полиз экинлари ва картощкачилик институти
Юсупов Ж.Ш.
Самарқанд давлат ветеринария медицинаси,
чорвачилик ва биотехнологиялар университет
https://doi.org/10.5281/zenodo.23151637

Аннотация Мақолада бош салат экини дунё бўйича этиштириши, унинг халқ хўжалигидаги аҳамияти, ўрганганлиги ҳақида, ҳамда муҳим хўжалик белгилари ҳақида маълумотлар берилган.
Калит сўзлар: Бош салат, барглар сони, барг узунлиги, барг эни.

Аннотация В статье представлена информация о выращивании салата в мире, его значении в народном хозяйстве, его изучении и важных экономических характеристиках.
Ключевые слова: Кочанный салат, количество листьев, длина листа, ширина листа.

Annotation The article provides information about the cultivation of lettuce in the world, its importance in the national economy, its study and important economic characteristics.
Key words: Head lettuce, number of leaves, leaf length, leaf width.

Кириш Дунё сабзавотчиликнинг асосий вазифаси аҳолини барча мавсумларда сабзавотлар, шу жумладан, кўкат сабзавотлар билан доимий ва етарли даражада таъминлашдан иборат. Кўкат сабзавотлар орасида бош салат инсон рациони учун катта аҳамиятга эга. ФАО маълумотларига кўра, дунёда 2022 йилда 1,8 млн. гектар майдондан 42,1 млн. тонна бош салат маҳсулотлари ишлаб чиқарилган. Бош салат Хитой (15,0 млн. т.), АҚШ (3,3 млн. т.), Ҳиндистон (1,2 млн. т.), Испания (0,9 млн. т), Италия (0,64 млн. т) ҳамда Белгия (0,6 млн. т.) давлатларида кенг миқёсда етиштирилмоқда.

Италия, Нидерландия, Бельгия, Испанияда салат асосий сабзавотлар сирасига киради. Венгрия, Польша ва Куба аҳолисининг кунлик истеъмолида унинг салмоғи анча катта бўлиб, бу давлатларда у асосан ёпиқ ерларда етиштирилади. Ўрта ҳисобда аҳоли жон бошига 14,0 кг ни ташкил қилади. Ушбу давлатларда бош салат етиштириш, аҳолини етарли миқдорда маҳсулот билан таъминлаш борасида кўплаб ютуқларга эришилган бўлсада, янги нав ва дурагайларни, интенсив технологияларни ишлаб чиқаришга жорий этиш бўйича тадқиқотлар давом этмоқда.

Ўзбекистонда агрокластер, фермер, деҳқон ва шахсий томорқа хўжаликларини даромадини ва қайта ишлаш корхоналарининг ишлаб чиқариш ҳажмини оширишда

сабзавотчилик соҳасидаги илм-фан ютуқлари, хусусан комплекс қимматли хўжалик белгилари юқори янги навлар ҳамда такомиллаштирилган агротехнологиялар тадбиқ қилинмоқда.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Бош салат экини Европа, Россия, АҚШ ва бошқа давлатлар ҳамда қитьаларда ўрганилган. Хусусан, R.Sally, M.Magnusson, Jan Borkowski,С.Г.Монахос– бош салат навларини яратиш, Хитой, Жанубий Корея ва Японияда C.G Kuo, Yu Quang-Hiu, Xie Jian-Zhi ҳамда Россияда Т.В.Лизгунова, А.Н.Ничипрович, Е.Н.Сагалович, В.Ф.Пивоваров, П.Ф.Кононков, В.П.Никулшин, Г.И.Тараканов, А.Т.Лебедева, З.В.Сыч, А.В.Солдатенко, Н.А.Колпаков, Л.Л.Бондарева ва бошқалар томонидан бош салат нав намуналарини танлаш ва етиштириш технологияларини такомилаштириш бўйича тадқиқотлар олиб борилган.

Ўзбекистонда З.Т.Бўстонов томонидан (1993-1996 йй) баргли салат нав намуналари тўпламини морфобиологик ва қимматли хўжалик белгиларини ўрганиш, истиқболли навларни ажратиш бўйича тадқиқотлар ўтказилган ва Кок-шох нави (2002 йил) яратилиб Давлат реестрига киритилган. Ф.Т.Турдиева (2020-2022 йй) Андижон вилояти шароитида баргли салат нав намуналари тўпламини морфобиологик ва қимматли хўжалик белгиларини ўрганиш, истиқболли навларини ажратиш, баҳорги мавсумда мақбул экиш муддатлари ва экиш схемаларини ўсимликни ўсиш-ривожланишига ва маҳсулдорлигига таъсири бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилган. Бироқ, ҳозирги кунда республикада сабзавот экин турларини кенгайтиришда бош салатнинг серҳосил нав ва дурагайларини танлаш, мақбул экиш муддатлари ва схемаларини аниқлаш бўйича илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмаган.

Бош ўрайдиган салат – var. capilata L. Барглари юмалоқ, буйрак-симон, овал ёки учбурчак шаклда четлари текис ёки қиррали бўлиб, новда марказида турли хил зичликдаги бошлар ҳосил қилади. Ташқаридан карамни эслатади, бошлари юмалоқ, юмалоқ-ясси ёки қисқа овал шаклда. Навлари ёғли ва қарсилдоқларга бўлинади. Кўчатлари кўпроқ тувакчаларда тайёрлаб етиштирилади [97; 157; 162; 177].

Салат – бир йиллик ўсимлик бўлиб. Тик пояли, баландлиги 0,60-0,12 м бўлган сершох ўсимликдир, майда, сариқ, тўпгул саватга йиғилган. Меваси – уруғ бўлиб, кумуш-кулранг ёки қора рангли. Ўсимлик-нинг барча қисмларида сутсимон шарбат бор Салатнинг илдиз тизими нисбатан кучсиз, аммо яхши тикланади ва тез ўсади, шу туфайли ўсимликни кўчириб ўтқазиш осон кечади. Юқори қисмида илдизи йўғонлашган, жуда кучли шохланган ва кўплаб ён илдизчаларга эга бўлиб, улар тупроқнинг устки қатламида жойлашган. [63; 159].

Нав намуналарда ўсимликлардаги барглар сони эртаги муддатда экилган бош салат ўсимлигини ҳисоблашлар ўсув даврининг турли фазаларида ёки босқичларида 3 марта ўлчанди кўчат экилиб, тутиб олгандан кейин; бош салат ўсимлик боши ўрай бошлаганда ҳамда ўсиб-ривожланиш даврининг охирида – ҳосилни йиғиштириб олиш даврида ўтказилди. Ҳар бир нав намуналарида ҳисоблар 10 тадан ҳисобли ўсимликларда олиб борилди. Кузатув натижалари шуни кўрсатдики, бош салатнинг Русский богатырь, Колобок Айс квин Алабама навларида кўчати тутиб олган даврда 5,6–5,7 дона барг бўлди ва у стандартга нисбатан (93,3–96,7) фоизни ташкил қилди. Улар ичида энг кам барг (5,4 дона) Грейт лайкс 659 навида ва нисбатан кўпроқ 5,5 дона Салат айсберг навида қайд этилди ва қолган навлардги барлар сони 5,8–6,0 дона

оралиғида бўлди Бош салат бош ўрай бошлаган босқичда стандарт навида 11,5, дона барг бўлди. Стандартга нисбатан (115,7–116,5%) юқори бўлган Патриций ва Русский размер навларида баргалар сони (3,3 – 13,4) донани ташкил этди. Русский богатырь, Колобок ва Айс квин, Алабама навларида стандарт навга курсаткичига нисбатан (87,0–91,3–97,4–95,7) фоиз оралиғида бўлганлиги кузатилди. Ўсимликнинг ҳосил йиғишдан олдин барглар сони стандарт навида 13,2 донани ташкил этди. Стандартга нисбатан юқори кўрсаткич Патриций ва Русский размер навларида (115,9–117,4%) юқори бўлди. Иккинчи стандарт Barcelona F_1 (st) дурагай ўсимлигида кўчат тутиб олганда 6,0 дона барг ҳосил бўлган бўлса, бошқа дурагайларининг кўрсаткичлари ҳам 5,9–6,0 дона оралиғида бўлди. Бу кўрсаткич кўчат сифатига бўлган умумий талабга жавоб беради. (1-жадвалга қаранг).

1-жадвал

Бош салатнинг турли нав намуналарида барглар сони ва узунлиги

Нав намуналар номи	Кўчат тутиб олганда		Бош ўрай бошлаганда		Ҳосилни йиғишдан олдин	
	барг сони, дона	st га нисбатан, %	барг сони, дона	st га нисбатан, %	барг сони, дона	st га нисбатан, %
Крупнокачанный (st)	6,0	100,0	11,5	100,0	13,2	100,0
Грейт лайкс 659	5,4	90,0	9,1	79,1	11,1	83,3
Патриций	6,0	100,0	13,3	115,7	15,3	115,9
Русский богатырь	5,6	93,3	10,0	87,0	12,1	91,7
Салат айсберг	5,5	91,7	11,0	95,7	12,5	94,7
Колобок	5,6	93,3	10,5	91,3	12,8	97,0
Русский размер	6,0	100,0	13,4	116,5	15,5	117,4
Айс квин	5,8	96,7	11,3	97,4	13,0	98,5
Алабама	5,7	95,0	11,2	95,7	13,1	99,2
Barcelona F_1 (st)	6,0	100,0	12,2	100,0	15,9	100,0
Salad Express F_1	5,9	98,3	11,9	98,3	15,7	98,7
Робинзон F_1	6,0	100,0	14,0	115,7	18,4	115,7
Madrid F_1	6,0	100,0	14,4	119,0	18,6	117,0

Ҳосилни йиғиштиришдан олдин ўсимликдаги барглар сони стандарт дурагайда 15,9 дона оралиғида бўлди. Стандартга яқин кўрсаткич Salad Express F_1 дурагайи билан тенг ёки бироз паст кўрсаткич (98,7%) кузатилди. Уларга нисбатан кўп (115,7–117,0%) барглар Робинзон F_1, Madrid F_1 дурагайларида ҳосил бўлди.

Кўчат тутиб олган даврда стандарт Крупнокачанный навида барг узунлиги 8,9 см ва барг эни 5,1 см ташкил қилди. Кузатувлар шуни кўрсатадики, стандарт навга нисбатан юқори кўрсаткич эга Патриций Русский размер баргининг узунлиги (10,3–10,4 см) ва эни (6,0–6,1 см) энг юқори кўрсаткичга эга бўлди. Стандарт навга нисбатан Грейт лайкс 659, Русский богатырь, Салат айсберг, Колобок, Айс квин ва Алабама навларида паст кўрсатгичли барг узунлиги (мутаносиб равишда 6,5; 8,2; 8,7; 8,8; 8,4 ва 8,6 см) ва эни (4,5; 5,0; 4,9; 4,8; 5,0 ва 4,7 см) намоён бўлди.

2-жадвал

Бош салатни нав намуналарида эркин баргларининг узунлиги ва эни

Нав намуналар номи	Кўчат тутиб олганда барг, см		Бош ўрай бошлаганда барг, см		Ҳосилни йиғишдан олдин барг, см	
	узунлиги	эни	узунлиги	эни	узунлиги	эни
Крупнокачанный (st)	8,9	5,1	18,2	17,9	23,1	22,1
Грейт лайкс 659	6,5	4,5	16,2	16,0	18,1	19,4
Патриций	10,3	6,0	21,0	18,6	23,5	21,7
Русский богатырь	8,2	5,0	18,2	17,8	22,9	19,9
Салат айсберг	8,7	4,9	17,4	17,0	22,4	21,1
Колобок	8,8	4,8	17,9	18,4	22,8	21,8
Русский размер	10,4	6,1	21,4	17,8	23,4	22,7
Айс квин	8,4	5,0	17,3	17,0	21,7	19,9
Алабама	8,6	5,5	16,4	16,1	21,9	21,1
Barcelona F_1 (st)	9,5	6,1	19,2	19,0	24,9	24,1
Salad Express F_1	9,4	6,0	19,8	20,2	23,7	23,2
Робинзон F_1	10,6	6,0	23,1	22,4	26,9	25,8
Madrid F_1	11,0	8,4	23,6	23,0	27,9	27,3

Стандарт Barcelona F_1 дурагайда барг узунлиги ва эни (9,1–6,7 см) кўрсаткичга эга бўлди, стандартга нисбатан юқори бўлган Робинзон F_1, Madrid F_1 дурагайларида барг узунлиги (10,6–11,0 см) барг эни (7,8–8,1 см) дурагайларида кузатилди. Salad Express F_1 барча дурагайларга нисбатан пастроқ кўрсатгичка эга эканлиги аниқланди.

АДАБИЁТЛАР

1. Терешонкова Т.А. Основные болезни кочанного и листового салата // Журнал «Картофель и овощи». – Москва, 2013. – №5. – С. 16-17
2. Mikel M.A. Genealogy of contemporary North American lettuce // HortScience. – 2007. – №42. – P. 489–493
3. Орешкин Э.Н. Совершенствование элементов технологии возделывания салата кочанного и капусты пекинской в пленочных теплицах в условиях 3-ей световой зоны // Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата сельскохозяйственных наук. – Москва, 2004. – 21 с.
4. Палкин Ю.Ф., Горбатенко О.Г., Семенов Е.А. О температурном режиме воздуха для выращивания зеленных культур в защищенном грунте // Ж. Сельскохозяйственная биология. – Москва, 2014. – №5. – С. 102-106.
5. Пекедов Б.Б. Биологические особенности формирования урожая салата и пекинской капусты в защищенном и открытом грунте // Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата сельскохозяйственных наук. – Москва, 1994. – 22 с.
6. Мой опыт выращивания кочанного салата. Видео // https://aleninsad.com/2014/08/moy-opit-virashchivanija-kochannogo-salata.html